

ДУНЁҚАРАШ ДИАЛЕКТИКАСИ

Хайтметов Р.К. –

Тошкент вилояти ЧДПИ ўқитувчиси

Бизга маълумки ҳозирга қадар дунёқараш тарихий шакллари шартли равишда уч шаклга, айрим ҳолларда эса, тўрт шаклга ажратиб ўрганилади. Булар, мифологик, диний, фалсафий (илмий) дунёқарашлардир. Ҳўш, булар нимаси билан бир-биридан фарқ қилади ва инсоният ҳаёти, қолаверса унинг тарихида қанчалик ўринга эга?

Инсоният дунёқарашининг энг ибтидоий шакли бу мифологик дунёқараш бўлиб, унга фалсафа комусий луғатда қўйидагича тариф берилганлигини кўришимиз мумкин. “МИФ(юн. *mifhos* — афсона, ривоят, хикоят) — ибтидоий давр кишилари онги ва тушунчасида инсон, табиат, жамият ва коинотнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ воқеалар, шунингдек, табиат ва жамият ҳодисаларининг акс этиши. Мифлар ва маросимлар ибтидоий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмлари ҳисобланиб, улар ўз навбатида назария билан амалий тажрибаларнинг яхлитлигини ўзларида мужассамлаштиради. Мифлар дунёни ғайритабиий образлар орқали тасаввур этадиган диний дунёқарашнинг ҳам дастлабки кўриниши бўлиб, у эса кишиларда абстракт тафаккурнинг, фантазиянинг шаклланаётганлигидан дарак беради.” [1] Лекин шунга қарамай унга бўлган муносабат давр парадигмасидан келиб чиқиб ҳар хил бўлган. Масалан антик ва ўрта асрлар файласуфлари мифга ижобий кўз билан қараб ўзларининг концепцияси ичига синдириб юборган бўлсалар (Аристотелнинг фикрича Мифни яхши кўрган одам муайян маънода файласуфдир, зеро фалсафа хайратланишдан бошланади), янги давр вакиллари хусусан француз маърифатпарварлари уни инкор қилишга ҳаракат қилган, романтизм тарафдорлари эса ўз замондошларидан фарқли улароқ унга халқлар маънавий тараққиётининг тамал тоши сифатида қараганлар. Юқоридаги қарашларнинг қайси бири тўғри бўлишидан қатъий назар, мифлар шунчаки яратилмаганлиги у халқларнинг орзу-хавасларининг натижаси улароқ пайдо бўлганлиги ва ёки оламни англашдаги синкретик дунёқарашлиги, энг асосийси эса инсон тафаккурининг энг олий даражадаги ижод маҳсули эканлиги ҳозирда бизларга маълум. Тўғри мифларда келтирилган далилларни балки лабораторияда исботлашнинг ҳозирча имкони йўқдир, шунга қарамай ундан жуда кўплаб далиллар топса бўлади. Хусусан “ф.ф.д., халқаро информация алмашуви ҳамда табиатшунослик фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси П.С.Гуревичнинг фикрича Миф қандайдир мавҳумият ва ёки адашув эмас. Миф реалликни абстракт таҳлилий ўзлаштиришга нисбатан, инсон борлиги манбаъларига кўпроқ яқин экани ҳақидаги таҳминлар туғилган. Кўпчилик тадқиқотчилар мифга ҳақиқатда содир бўлган ҳодисаларнинг шифрланган ҳолда баён этилиши деб қарай бошладилар”[2] Зеро инсоният 100% тўқима образлар яратишга қодир эмас. У фақатгина тўқима образлар яратишда турли ҳаётий жараёнлардан яъни, кўрган ва билган нарсаларидан нусха кўчиришгагина қодир. Шунинг учун ҳам у яратган буюмлардан тортиб то бадий асарларигача ҳамма-ҳаммасини ҳаётда прототипини учратиш мумкин. Ва ёки структурализм вакиллари тили билан айтганда, мифологик тафаккур – бу шунчаки фантазиянинг тийиксиз ўйини эмас, балки аждодлар тажрибасини қайд этиш ва кейинги авлодларга бериш учун имконият яратадиган дунёни ўзига хос тарзда моделлаштиришдир.

Шундай бўлса ҳам мифологик асарлар ёзиш жуда катта машаққатни ва юксак тафаккурни талаб қилади. Шу боисдан ҳам мифологик руҳдаги асарларни ўқиб кўплаб инновацион ғояларга эга бўлиш мумкин деб уйловчи халқлар, бундай асарларни ўқиб чарчамайдилар. Бунинг яққол исботи сифатида биз замонамизнинг энг машҳур мифологик асарларидан бўлмиш “Гарри Поттер” ҳақидаги образларни келтиришимиз мумкин. Бу асарлар шунчаки уйдурмалардан иборат бўлмасдан, айна вақтда ундан инсоният ўз дунёқарашини кенгайтиришга ва инновацион тафаккурни шакллантиришда фойдаланиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, бу асар дунёда энг кўп сотилган китоб (бестселлер) сифатида эътироф этилади. Ундан қанчалик фойдалана олиш эса албатта миллат руҳи ва савиясига боғлиқдир. Ва ёки буюк физик Альберт Эйнштейн айтганидек “болангизни ақлли бўлишини хоҳласангиз эртақ айтиб беринг, агарда янада ақлироқ бўлишини хоҳласангиз янада кўпроқ эртақ айтиб беринг.”

Устозимиз Виктор Алимасов ўзининг “Одам, миф ва фалсафа” номли Эссесида фалсафанинг қандай қилиб мифдан келиб чиққанини қўйидагича тушунтиради. “Миср ривоятларидан бирида хикоя қилинишича, одамни Энки ва Нинмоҳ денгиз тубидаги лойдан яратган; илк одамлар майсалар, ўсимликларга ўхшаб ер тагидан ўсиб чиққан. Бошқа бир ривоятда Энлил чопиқ қилаётганида ер, тупроқ тагидан одамлар чиқиб келгани қайд этилади. Шунга ўхшаш мифларни Қадимги Хитой ва

Қадимги Ҳиндистон халқ оғзаки ижодида ҳам учратамиз. Қадимги Хитой афсоналарида оламни яратган Хундун дастлаб жонсиз нарса, сув офати, дарё бўлгани эса олинади. Машҳур донишманд Лао-цзининг отаси ерга тушган юлдуздан туғилган эмиш. Қадимги хинд ривоятларида сувдан олов, кучли ҳароратдан Олтин Тухум, ундан эса оламни яратган Браҳмон пайдо бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Браҳмоннинг жони, кўзи, қулоқлари, узори, териси ва оёқ бармоқларидан худосифат одамлар туғилган. Халқ фантастик эртақларида қаҳрамонлар сув, тоғ, дарахт, ой, қуёш, юлдуз, ҳатто шамолдан туғилади. Ушбу содда, аммо ибтидоий давр одамлари учун реал ҳисобланган тасаввурлар, қарашлар кейинчалик натурфалсафага ўтади. Натурфалсафа эса Бутун, Яхлит, Умум, Мутлақ каби тушунчаларни ва уларга таянган фалсафий-назарий таълимотларни юзага келтиради. Борлиқнинг Яхлитлигини, инсон билан борлиқнинг субстанционал боғлиқлигини бугун фалсафа ҳам такрорлайди ва уларни бир-бирига қарши қўйиш фожиаларга олиб келишини қайд этади. Кейинги асрларда юзага келган глобал экологик инқирозлар инсон билан табиий борлиқ ўртасидаги мураккабликни бузиш натижаси экани энди кўпчиликка аён. Минг афсуски, инсонни, унинг ҳаётий мақсадларини, даркени табиий борлиққа қарши қўйиш анъанаси сақланиб қолмоқда.”

Ҳозир эса ҳаттоки мифдан фан ҳам унумли фойдаланиб келмоқда. Бу жараён ХХI аср астроном олимларни ҳам унга мурожаат қилишга олиб келди. orbitaluz.com сайтининг маълумот беришича Гомер ўзининг “Одиссея” достонида Юнонистондан кўринадиган юлдузлар ҳақида қизиқ гапларни (ҳозирги фан тили билан айтганда фактларни) ёзиб қолдирган экан. Хусусан, у Катта Айиқ юлдузи ҳақида сўз юритган ўринларда “Ҳеч қачон денгиз тўлқинларида чўмилмайдиган юлдуз”[3] деб бадиий таъриф беради. Унинг айтишича Катта Айиқ юлдузлари ҳеч қачон горизонтдан ботмас экан, яъни, Юнонистонни ўраб турган денгиздаги горизонт ортига яширинмас экан. Гомер замонасида Юнонистонда Катта Айиқ юлдузи ҳақиқатан ҳам ботмаган. Замонавий ҳисоб-китобларга кўра, бундан 3000 йил муқаддам Катта Айиқ юлдузи 40⁰ шимолий кенгликларда горизонтга 11⁰ дан яқин келмаган экан. Яъни, у ҳақиқатан ҳам у Юнонистоннинг “денгиз тўлқинларида чўмилмаган”. Демак, ҳозирги замонавий астрономик лабораторияларнинг фактларига кўра Гомер адашмаган. Шунга ўхшаш мисолларни замонавий фан дунёсидан кўплаб келтириш мумкин. Бу билан биз мифга фақатгина тўқима образлар мажмуи эмас, балки ўрганишга арзидиган ва ўз замонасининг синкретик дунёқараш маҳсули сифатида қарашга чорламоқчимиз ҳолос.

“Диний дунёқараш мифология негизда шаклланган ва ривожланган, воқелиқнинг келиб чиқиши, ривожланиши, истикболини ҳаёлий образлар, тасаввурлар ва тушунчаларда акс эттирувчи дунёқарашдир”.[4] Яъни бора-бора диний дунёқараш билан қоришиб кетган мифологик қарашлар, инсоният устидан ҳукмронлик қилишга ўриниб кўрди. Бунинг сабаби уларнинг энди синкретик фикрларга эга эмаслигида эди десак хато бўлмайди бизнингча. Эндиликда улар дунёни иккига яъни, У дунё ва Бу дунёга бўлиб англашга чорлай бошладилар. Натижада бу жараён шу даражага бориб етдики, эндиликда уларнинг ўзлари ҳам бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишди. Бу бўлинишларнинг асосида эса бир хил бўлмаган дунёқарашлар ётарди. Бир сўз билан айтганда бир эътиқод доирасидаги дин вакиллари энди У дунё ва Бу дунё, Худо масаласида бир хил қарашга эга бўлмай қолишди. Масалан ҳозирги кунда дунё бўйича энг катта контингентга эга бўлмиш христианлик дини 1054 йилда икки оқимга яъни католик ва православга бўлинади. Ушбу бўлинишнинг сабаби эса уларнинг “Муқаддас Рух-Худо” ҳақидаги икки хил қарашлари эди ҳолос. “Исломдаги ақидавий йўналишлар сони тарихий манбаларда турлича берилган. Улардан энг асосий ва машҳурларисуннийлик, қадария, муржиа, жабария, хорижиа, мўътазила ва шиа кабилар”.[5] Ушба адабиётда яна кўйидаги фикрларни учратишимиз мумкин; “Уламолар нажот топувчи йўналиш бу “Аҳли Сунна вал-Жамоа” эканига иттифоқ қилишган”.[6] Бир сўз билан айтганда бўлиндими, тамом, инсон онгини энди, қайси бири бирламчи,туғри йўл деган савол камраб олади.

Мана шу саволлардан келиб чиқиб дунё юзини икки йирик оқим материализм ва идеализм деган измлар кўра бошлади. Бу измларнинг инсониятни бошқаришга бўлган майиллари, инсоният бошига жуда кўплаб кулфатларни солди. Антик юнон классик файласуфи Платонгача идеалистик ва материалистик ғоялар файласуфлар томонидан ўзаро бирликда берилган бўлса. Платонга келиб бўлиниш содир бўлди. Яъни у ўзининг “Ғор тимсоли” номли диологида идеализмнинг илк намояндаси сифатида фалсафага “Ғоялар ва соялар олами” [7] деган тушунчани олиб қиради. Ғоялар оламини Платон барча нарсаларнинг ибтидоси, моддий (соялар) оламини эса, унинг маҳсули деб билади. Унингча, реал жисмлар ғоялар оламининг аксидир. Унинг шу каби фикрларини мутлоқлаштириш натижасида бу йўналиш вакиллари кейинчалик бошқача фикрлайдиган инсонларга душманона кўз билан қараб, уларга қарши очиқчасига уруш эълон қилади. Юқоридаги бир қарашда унчалик хавфли бўлмаган икки ва ундан кўп дунёқараш эгалари, минглаб одамларнинг ёстигини

қуритгани эса, ҳеч кимга сир эмас. Бу урушда аввалига идеализм ва кейинчалик материализм ўрин алмштириб турганлиги фалсафа тарихидан бизларга маълум. Платон ва унинг тарафдорлари қарашларини кейинчалик ўрта асрлардаги теология таълимотига кенг қулланилиши натижасида минг йиллик схоластика даври юзага келади. Бу давр эса материалистик қарашларни таъқиб остига олиб, натижада инкирозга учради. Агар ушбу минг йил бўлмаганида ҳозирги техника асри XI асрда бўлиб, ҳозирги асрни техника ривожига жихатдан тасаввур қилиш қийин бўлар эди. Хуллас ўрта асрлар фаннинг оёқ-қўлини боғлаб, унинг юксалишини минг йилга кечиктирди. Бу натижа албатта мутаасибларга тегишли эди. Диний ортодоксаллар идеализмни мутлақлаштириш натижасида уни барча соҳаларга қуллашдилар. Ҳаттоки аниқ ва табиий фанларга ҳам. Буни яққол исботи сифатида геоцентрик (юн. geo-Ер ва лот. centram — марказ) назарияни келтиришимиз мумкин. Масалан Галилео Галилей (1564—1642) Юпитер сайёрасининг 4 та йўлдоши борлигини исботлашга ўринганда унга қарши схоластика вакиллари ва ёки уша давр “файласуф”лари олдинги назарияга мувофиқ 7 та (илоҳий сон чунки бутун оламни худо 7 кунда яратган) осмон жисмлари мавжудлигини таъкидлаб унинг олимнинг қарашларини иллюзия деб эълон қилиб ўзини таъқиб қилади.[8] Черков шу даражада мутаасиб эдики фан гелиоцентрик система (юн. helios—Қуёш ва лот. centram — марказ) ҳақида 1600 йилда қарорга келган бўлишига қарамай Ватикан Папаси бу назарияни 1992-йилга келибгина расмий тан олди. Юқоридаги “жиноят”лар фақатгина ғарбий мамлакатлар “этикод” вакилларигагина тегишли эмас, балки, Шарқона “этикод” соҳибларига ҳам бирдек тегишлидир. Ғарб ўрта аср мутаасиблари, Шарқ мутаасибларидан фарқли равишда этикодда рационал билимларни мутлақ инкор этмасдан, унинг жаҳидаги ролини эътироф этиб ўтдилар. Хусусан Августиннинг фикрича “айрим нозил бўлган ҳақиқатларни тафаккур ёрдамида тушуниб етиш мумкин, айрим ҳақиқатлар эса инсоннинг ақл идрокидан юқори туради. Шу билан бир вақтда, бирон-бир этикодга доир ҳақиқат, агар ундан туғри фойдаланилса, охир натижада ақлга зид бўлмайди.”[9]

Бу курашларга қарама-қарши улуроқ иккала минтақада турли тарихий даврларда ўйғониш даври бошланди. Ушбу давр вакиллари эса фаннинг имкониятларини замона “диндор”ларига тушунтиришга уриниб яшадилар. Ҳаттоки ўз жонларини гаровга қўйиб бўлса ҳам. Улар фалсафа фақатгина теологияга хизматкор сифатида эмас, балки илмий дунёқарашни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши керак деб ҳисобладилар. Хусусан ўйғониш даврининг йирик фигураларидан бири бўлмиш Жордано Брунонинг фикрича, фалсафанинг мақсади ғайритабиий Худони эмас, “нарсаларга айланган Худо”ни, яъни табиатни ўрганишдан иборатдир. Ушбу давр файласуфлари ўзларининг гелиоцентрик назарияси билан черковнинг ортодоксияга асосланган билиш тизимига биринчи зарбани берган бўлсалар, ўзининг эмперизм ва ёки индуктив методи билан янги давр вакили Ф.Бекон иккинчи ҳал қилувчи зарбани йўллади. Чунки мистик ва ёки абстракт билимларни индуктив метод билан ўрганиб бўлмас, шу билан бирга тажриба асосида исботлашнинг ҳам иложи йўқ деб ўйлади. Бунинг натижасида илмий дунёқараш даври бошланди. Ва ёки немис файласуфи Г.Ромбах тили билан айтганда “аниқ фанлар бу янги давр фалсафасидир” [10] Бу эса материализм даврининг бошланиши эди. Бу давр дунёқараш ҳам ўзидан олдинги дунёқарашлар даврининг анъаналарини давом эттирган ҳолда яқка ҳукмронликка эриша бошлади ва бунга эришди ҳам. (Бу ерда гап фаннинг яқка ҳукмронликка эришиши ва ёки янги давр ҳақида гап бормоқда Бу даврининг маҳсули сифатида ҳозирги глобал муаммолар юзага келди. Бирон бир “изм”ни мутлоқлаштириш догмага олиб келишини биз юқорида кўриб чиқдик. Шу сабабдан фақатгина уларни холис, толерант (tolerantia-лот. сабр тоқат) ўрганишгина фойда келтириши мумкин, акс ҳолда яқин орада умуман янги бўлган “изм” давр парадигмасига айланиши мумкин. Мана шундай толерант дунёқарашга эга инсонларни тарбиялаш эса фалсафанинг энг асосий вазифаларидан бири десак хато бўлмайди. Ҳозирда Республикамиз файласуфлари (агар улар мавжуд бўлса) ва биз фалсафа ўқитувчилари мана шу вазифани ва ёки философия курсининг асосий вазифаларидан бўлмиш дунёқарашни шакллантириш керак бўлса танқидий онгни ва ёки скептик тафаккурни шакллантира олаёпмизми деган савол очик қолмоқда. Шу сабабдан ҳам фалсафа курсини олий таълимда ўқитиш керакми ва ёки йўқми деган савол тез-тез муҳокамага қўйилмоқда десак хато бўлмаса керак бизнингча.

АДАБИЁТЛАР:

1. Фалсафа қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир ф.ф.д. Назаров Қ.-Т.: “Шарқ”, 2004.-Б. 274-275
2. Қаҳҳорова Ш.Б. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси .-Т.: “ТАФАККУР”, 2009.-Б.211

3. Қаранг: Гомер. Одиссея. Қ.Мирмухамедов тарж.-Т.: “Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2012.-Б.59
4. Туленов Ж., Ғофуров З. Фалсафа.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997.-Б.25
5. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар.-Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.-Б.5
6. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар.-Т.: “Мовароуннаҳр”, 2017.-Б.5
7. Афлотун. Давлат.Урфон Отажон тарж.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2015.-Б.
8. Қаранг: Бертран Рассел. История западной философии и ее связи с политическими и социальными условиями от античности до наших дней : Пер. с англ. / Б. Рассел. – М. : Акад. проект, 2000. – 398 с.
9. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи.-Т.: “ШАРҚ”, 2002.-Б.193
10. Гайденок П.П.История новоевропейской философии в ее связи с наукой.-“М.: ПЕР СЭ; СПб.: Университетская книга”, 2000.-8 с

РЕЗЮМЕ:

Мақолада мумтоз файласуфларнинг инсон ва борлиқ ҳақидаги қарашлари ўрганилган, шунингдек инсон ва табиат субстанционал боғлиқлигига оид ғоялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: дунёқараш, миф, фалсафа, онг, инсон, маданият, маърифатпарварлик, натурфалсафа, субстанция

РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются взгляды классиков философии на человека и его существование, анализируется их представления о взаимосвязи человека и природы.

Ключевые слова: мировоззрение, мифы, философия, разум, человек, культура, просвещение, философия природных явлений, субстанция

RESUME:

The article examines the classical philosophers' views on man and his existence, and analyzes their ideas on the interconnectedness of man and nature.

Keywords: worldview, myths, philosophy, mind, man, culture, enlightenment, philosophy of natural phenomena, substance

МУНДАРИЖА:

<i>Назаров Қ.</i>	<i>Янги Ўзбекистон феномени</i>	2
<i>Туйчиев Б.</i>	<i>Сравнительный анализ философии Платона и Аристотел (на примере учений об идеи)</i>	6
<i>Усмонов М.</i>	<i>Янги Ўзбекистон ва адолатли фуқаролик жамияти</i>	11
<i>Аззамходжаева С.,</i>	<i>Янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг</i>	14
<i>Кубатов Ш.</i>	<i>маънавий мезонлари</i>	
<i>Хўжамуродов И.</i>	<i>Исломнинг миллий ўзликни англашга таъсири</i>	17
<i>Абдуҳалилов А.</i>	<i>Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда олий таълим тизимини такомиллаштириш механизлари.</i>	21
<i>Аминова Н.</i>	<i>Маънавият ва иймон уйғунлиги</i>	24
<i>Иззетова Э.</i>	<i>Философский анализ человеческого капитала как основы развития современного общества</i>	27
<i>Степанова О.</i>	<i>Преподавание логики как необходимое звено в формировании самостоятельного критического мышления студенческой молодежи</i>	31
<i>Ли Е.</i>	<i>Философский анализ понятий эмерджентность и синергия</i>	34
<i>Атавуллаев М.</i>	<i>Ҳуқуқий қадриятлар - жамият барқарорлигининг асоси</i>	37
<i>Хайдаров М.</i>	<i>Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммолари</i>	41
<i>Тиллаволдиева М.</i>	<i>Глобаллашув жараёнида миллий тараққиётнинг ахлоқий ва ҳуқуқий муносабатлар диалектикаси</i>	45
<i>Аллаяров О.</i>	<i>Ўзбекистонда интернет технологияларни ривожлантириш сиёсати</i>	49
<i>Мадумарова З.</i>	<i>Реклама тили ривожланишида тижорат терминологиясининг ўрни</i>	53
<i>Махмудова М.</i>	<i>Междисциплинарное ведение случая семьи в практике социальной работы</i>	57
<i>Заитов Э.</i>	<i>Институционал муассасаларда тарбияланаётган болаларга нисбатан стереотипга айланган стигмаларнинг шаклланиши</i>	62
<i>Зоирова М.</i>	<i>Ғарб ижтимоий-сиёсий тафаккурида жамоатчилик назоратига доир қарашлар ривож</i>	65
<i>Инагамова М.</i>	<i>Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги</i>	68
<i>Мухаметшин Р.,</i>	<i>Ҳарбий педагог кадрлар малакасини ошириш ва ахборот-методик таъминот ресурслари</i>	72
<i>Маматқулов Х.</i>		
<i>Тошбобоев М.</i>	<i>Ахборотлашган жамиятда сунъий интеллект ва ёшларнинг ахлоқий қарашлари</i>	75
<i>Сапарова Г.</i>	<i>Миллий онг - миллий ўзликни англаш омили</i>	78
<i>Хайтметов Р.</i>	<i>Дунёқараш диалектикаси</i>	81

<i>Тошбобоев А.</i>	<i>Глобаллашув даврида маънавий таҳдидларнинг кўринишлари</i>	85
<i>Бексариев Х.</i>	<i>Афв этики институтининг шаклланишида давлатнинг роли</i>	89
<i>Дилмуродов И.</i>	<i>Халқаро муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий муаммолари</i>	93
<i>Холмахматов А.</i>	<i>Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда янги Ўзбекистон зоясининг аҳамияти</i>	97
<i>Қаршиев Ш.</i>	<i>Миллатлараро тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари ўрни</i>	101
<i>Акрамов Ж.</i>	<i>Инновация - сиёсий тадқиқот объекти</i>	105
<i>Абдувалиева М.</i>	<i>О состоянии инвалидности в Республике Узбекистан.</i>	109
<i>Сабирова У.</i>	<i>Удовлетворенность работодателей как показатель качества высшего образования</i>	113
<i>Қаюмов Қ.Н.</i>	<i>Ногиронлиги бор болаларни ижтимоий интеграциясида мослашув марказларнинг фаолияти</i>	117
<i>Тургунова Н.</i>	<i>Ёшлар тарбияси - барқарор тараққиётни таъминлаш омили</i>	121
<i>Акрамов Х.</i>	<i>Шарқ ва Ғарб кадриятлар тизимида социал катитал тавсифи ва унинг қиёсий таҳлили</i>	125
<i>Кучкаров Х.</i>	<i>Жиноят процессида назорат инстанция суди ваколатларини такомиллаштириши</i>	130
<i>Мамадиева Х.</i>	<i>Тасаввуф фалсафасида комил инсоннинг ахлоқий моҳияти</i>	135
<i>Толипов А.</i>	<i>Ёшлар орасида жиноятчиликни олдини олишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўрни</i>	139
<i>Тошполатова Ш.</i>	<i>Инсоннинг маънавий – ахлоқий фазилатларини шакллантиришда ҳадисларнинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил)</i>	143
<i>Равшанов А.</i>	<i>Кадрлар тайёрлаш сиёсати – фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шарти</i>	146
<i>Хаитов Э.</i>	<i>Жамиятни янгилаш сиёсатида маънавият соҳасидаги ислохотларнинг ўрни</i>	150
<i>Ҳамраев С.</i>	<i>Иқтисод ва маънавият уйғунлигини таъминлашнинг энг муҳим асослари</i>	153
<i>Соқиев Х.</i>	<i>Ахборотлашган жамиятда идентиклик омили</i>	157
<i>Амиров А.</i>	<i>Фрэнсис Фукуяманинг ижтимоий-фалсафий қарашлари таҳлили</i>	160
<i>Шербобоев М.</i>	<i>Карл Поппер илмий рационаллик тўғрисида</i>	163
<i>Туляев А.И.</i>	<i>Виртуал ахборот маконидаги таҳдидлар ва уларни олдини олиш зарурияти</i>	167